

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 4 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 4

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 4



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Доно Зияева XIX АСР БУХОРО АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК FOЯЛАРИ.....	4
2.Шоҳистахон Ўлжаева, Нодира Алимұхамедова РАҚАМЛИ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ.....	10
3.Муродилла Ҳайдаров ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АСОСЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	19
4.Гулнора Гулямова XV-XVI АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	28
5.Арслон Нафасов ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ.....	36
6.Ойбек Остонов ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ).....	44
7.Умиджон Усаров XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲВОЛИ.....	60
8.Зиёдулла Холбоев ҚАЛИЯТЕПА ЁДГОРЛИГИДА 2019 ЙИЛ ОЛИБ БОРИЛГАН ДАСТЛАБКИ ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА.....	71
9.Davlatbek Qudratov ИККИНЧИ ЈАНОН URUSHI ХОТИРАСИНИ ASRAВ-AVAYLASH YOSHLARNI TARBİYALASHDA TUTGAN O'RNI.....	83
10.Гўзал Раззоқова ДИНИЙ ХАЛФАЛАРНИНГ ХОРАЗМ ХАЛИФАЧИЛИГИДАГИ ЎРНИ.....	89
11.Дилшода Рўзиева ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ - МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	96
12.Сафарали Қўшоқов ЧОРВАДОР ҚАБИЛАЛАР ДАФН МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	104

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Дилшода Рўзиева Мавлоновна,
Навоий давлат педагогика институтининг
мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ - МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

For citation: Ruzieva Dilshoda Mavlonovna, SOCIAL ACTIVITY OF WOMEN AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN - ONE OF THE IMPORTANT FACTORS OF DEVELOPMENT OF THE COUNTRY. Look to the past. 2020, vol. 4, issue 3, pp. 96-103

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-4-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида хотин-қизларга нисбатан давлат сиёсати, унинг мазмун-моҳияти, аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, улар бандлигини таъминлаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган ислоҳотлар давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этганлиги, бу эса, ўз навбатида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигига хизмат қилганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи, давлат, сиёсат, жамият, хотин-қизлар, ижтимоий фаоллик, ислоҳотлар, оила, оналик ва болалик.

Дильшода Рузиева Мавлоновна,
Навоийский государственный педагогический институт
независимый исследователь

СОЦИАЛЬНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ЖЕНЩИН НА НОВОМ ЭТАПЕ - КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье описывается государственная политика в отношении женщин на новом этапе развития Узбекистана, ее содержание, обеспечение прав и интересов женщин, их полная поддержка, обеспечение гендерного равенства, социальная защита семьи, материнства и детства, развитие женского предпринимательства. А также реформы, направленные на обеспечение занятости и улучшение условий труда и жизни, стали приоритетом государственной политики, что, в свою очередь, способствовало социальной активности женщин.

Ключевые слова: новый этап развития Узбекистана, государство, политика, общество, женщины, социальная активность, реформы, семья, материнство и детство.

Ruzieva Dilshoda Mavlonovna,
Navoi State Pedagogical Institute
independent researcher

SOCIAL ACTIVITY OF WOMEN AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN - ONE OF THE IMPORTANT FACTORS OF DEVELOPMENT OF THE COUNTRY**ABSTRACT**

The article describes the state policy towards women at a new stage in the development of Uzbekistan, its content, ensuring the rights and interests of women, their full support, ensuring gender equality, social protection of the family, motherhood and childhood, the development of female entrepreneurship, reforms aimed at ensuring employment and improving working and living conditions have become a priority of state policy, which, in turn, has contributed to the social activity of women.

Index Terms: new stage of development of Uzbekistan, state, politics, society, women, social activity, reforms, family, motherhood and childhood.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Шу ўринда Президент Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир: "Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда". Шунинг учун ҳам, хотин-қизларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, улар бандлигини ошириш масалаларига алоҳида ургу берилмоқда. Бунда давлат раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус асос бўлмоқда. Маълумки, бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига қаратилган. Бу борада республикада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, хотин-қизларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги иштироки изчил ислохотлар самарадорлиги

асосан аёлларнинг фаол иштирок этиши билан боғлиқдир[7].

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликларни ўрганиш, илмий таҳлил этиш мавзунинг долзарблигини белгилайди ва уни қўйидаги жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, миллат, жамият ва давлатнинг келажаги кўп жиҳатдан аёлларнинг маънавий баркамоллигига ҳамда уларнинг тўлақонли фаолиятига, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ислоҳотларнинг натижадорлиги хотин-қизлар иштирокига бевосита боғлиқ эканлиги улар ижтимоий фаоллигини ошириш омилларини илмий ўрганишни тақозо этади;

Иккинчидан, республиканинг иқтисодий тараққиётида тадбиркорлик фаолияти, ҳунармандчилик ва фермерлик ҳаракатининг ҳиссаси, унда хотин-қизларининг ўрни ва ролини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади;

Учинчидан, маданий жараёнларда аёлларнинг таълим, илм-фан ривожигаги ўрни, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш ва унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий оилавий қадриятларини мустаҳкамлашдаги роли, миллий маънавият ва маданият муаммоларини илмий ёритган ҳолда тарихий таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, хотин-қизлар билан ишлаш механизмини тубдан ўзгартириш зарурати, аёл, оила, маҳалла ҳамкорлиги билан боғлиқ муносабатларнинг янги босқичи, уларни амалга ошириш шакллари илмий жиҳатдан таҳлил қилиш мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

2. Методлар ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси:

Мақолада хотин-қизлар фаолияти билан боғлиқ жараёнларни ва ҳодисаларни ўрганишда умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик тизимлилик холислик тамойиллари шунингдек, муаммога цивилизация ёндошув ҳамда қиёсий таҳлил усуллари ва социологик, тарихий тадқиқот, дала маълумотлари, хронологик методлар асосида ёритилган.

Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий фаоллиги, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни масаласи мустақиллик йилларида тарихчи олималар Д.Алимова, Д.Бобожонова, К.Нишонбоева, Н.Джураева, Д.Собирова каби олималар томонидан амалга оширилган.

Д.Алимованинг Ўрта Осиё хотин-қизлари масаласига бағишланган илмий монографияси ва кўплаб илмий мақолаларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва оиладаги ўрни масалалари анъанавий қарашлар ҳамда тарихийлик тамойили асосида ўрганилган [1].

Шунингдек, Я.Абдуллаева[2], Н.Жўраева [3], Д.Собирова [4] нинг илмий-тадқиқот ишларида хотин-қизларга нисбатан муносабатдаги совет давридаги инқилобий ўзгаришлар билан боғлиқ сиёсатнинг мустамлакачилик моҳияти янги тафаккур, мустақиллик мафкураси асосида илмий таҳлил қилинган.

3. Гадқиқот натижалари:

Мамлакатда мустақил ривожланиш йиллари давомида аёлларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича катта муваффақиятларга эришилди. Ўз-ўзидан аёнки, республиканинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш соҳасидаги салмоқли муваффақиятларининг аҳамияти ҳам салмоқлидир. Айниқса, бу йўналишда меъерий-ҳуқуқий базани ривожлантириш борасида аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қарийб 100 та миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ратификация қилинди. Маълумки, Бош Қомусимиз аёлларнинг фундаментал ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлайдиган энг муҳим ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган. Шунингдек, ҳар йили муайян йўналишда қабул қилинаётган махсус давлат дастурларининг ҳаётга тадбиқ этилиши доирасидаги режали ишлар қайсидир даражада аёлларнинг ҳаёт шароити ва сифатини яхшилашга ҳам алоқадордир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТ ва Халқаро Меҳнат ташкилотининг қатор конвенцияларини Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб ратификация қилган. Улар орасида "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида", "Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисида", "Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида"ги ва бошқа ҳужжатлар мавжудлиги фикримиз далилидир.

Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4749-сонли Фармони асосида "Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш" каби вазифалар белгилаб қўйилди. Айнан, 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сонли Фармони эса бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу Фармонни қабул қилишдан асосий мақсад хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, салоҳиятини тўла намоеън этиши, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичидаги миллий тикланишдан миллий юксалиш йўлида амалга оширилаётган жадал ислохотлар самарадорлигини таъминлашда хотин-қизлар фаоллиги муҳим омиллардан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон аёллари давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг оиладаги мавқеи мустаҳкамланмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат хотин-қизларимизга чинакам бахтли яшаши учун, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларни таъминлаш,

интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратаётир. Бундай эркин фаолият мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилган шарт-шароитлар туфайлидир.

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Бугунги кунда кенг кўламли демократик ислоҳотларимиз натижасида аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки тобора кучайиб бормоқда. ...Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоиздан ошди. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, - шунга эътибор беришингизни сўрайман - бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик. ...28 мингга яқин опа-сингилларимизга тадбиркорлик, ҳунармандлик, касбга қайта тайёрлаш, бандликни таъминлаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасида 21 минг 500 нафар қизларимиз қисқа муддатли касб-ҳунар курсларида ўқитилди[5]. Бу кўрсаткичлар давлатнинг ғамхўрлик сиёсати натижасида аёллар фаоллигини ошириш имкониятлари кенгайиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар асосида аёл ҳуқуқлари ҳимоя этилаётгани ва улар фаоллиги ўсиб бораётганидан далолат беради.

Фармонда белгиланган асосий вазифалардан бири - оғир турмуш шароитида яшаётган, айниқса ногиронлиги бўлган хотин-қизлар билан ишларни ташкил этиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ечимини топиш масалаларидир. 2018 йилда Республика бўйича 47 минг нафарга яқин оғир турмуш шароитида яшаётган, шундан 14 минг 600 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, улар билан манзилли ишлар олиб борилди. Уларнинг 14 минг нафарига тиббий ёрдам кўрсатилди, 13 минг 500 нафарининг бандлиги таъминланди, 22 минг нафарига 21 млрд. сўм миқдоридagi моддий ёрдамлар берилди. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 1 минг 464 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган ва ногиронлиги бўлган хотин-қизларга арзон уй-жойлар учун 54,6 млрд. сўм бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди [11].

Мазкур Фармон Хотин-қизлар қўмитаси тизими фаолиятида муҳим бурилиш ясади. Фармон қабул қилингандан буён ўтган давр мобайнида барча йўналишлар каби оғир вазиятдаги, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни уй-жой ва бандлик масалаларидаги муаммоларини ўрганиш ва амалий ёрдамлар ташкил этиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу вазифани амалга ошириш учун ҳар бир тумандаги уй-жой билан таъминлаш ҳудудий комиссиялари томонидан биринчи навбатда, шу тоифадаги хотин-қизларнинг уй-жой билан таъминланиши, шу рўйхатлардаги аёлларимиз 2019 йилдаги уй-жой тақсимотига киритилишида амалий ёрдам талаб этилади.

Муҳим вазифаларимиздан яна бири хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш масаласи ҳисобланади. Хусусан, 2018 йилда бандлик дастурлари асосида яратилган иш ўринларига хотин-қизлар қўмиталари ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан уйма-уй юриш орқали аниқланган 245 минг нафар ишсиз хотин-қизлар ишга жойлаштирилди. Маҳаллалар кесимида манзилли рўйхатлар

шакллантирилиб, алоҳида дастур асосида 10 минг нафарга яқин оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар бандлиги таъминланди ва бунга 38 млрд. 261 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Хотин-қизлар қўмиталари ташаббуси билан бўш биноларни қайта таъмирлаш ва ишга тушириш ҳисобига 2 минг 300 тадан ортиқ кичик цехлар ташкил этилиб, 16 минг нафарга яқин хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредитлар ажратиш оҳирги икки йилда 2 баробарга оширилди. Айниқса, йиллик 7 фоизлик имтиёзли кредитлар бериш тизими жорий этилди. 2014-2016 йилларда тижорат банклари томонидан хотин-қизларга тадбиркорлик фаолияти учун жами 3,8 трлн. сўм кредит ажратилган бўлса, 2017-2018 йилларда 6,1 трлн. сўм кредит ажратилган. Хотин-қизлар қўмиталарининг тавсияномалари асосида Фонд маблағлари ҳисобидан йиллик 7 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратиш тизими жорий этилиб, жорий йилнинг ўзида 100 млрд. сўм маблағ йўналтирилди [11].

Шу билан бирга хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оилани мустаҳкамлашда уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган иш механизмини тубдан ўзгартириш зарурати юзага келди.

Айниқса, 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, жамият ва оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда қуйидаги асосий вазифалар белгилаб қўйилди:

-оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, "Соғлом оила - соғлом жамият" ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этиш;

-хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш;

-хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга,

-шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

-хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир [5].

Маҳалла институтининг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб, фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-

маънавий масалалар бўйича ўринбосари, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг ташкил этилиши аёллар ижтимоий муаммоларининг самарали ҳал этилиши ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади [6].

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида давлатнинг гамхўрлик сиёсати натижасида аёллар фаоллигини ошириш имкониятлари кенгайди. Бу имкониятлар республикада амалга оширилаётган ислохотлар асосида аёл ҳуқуқи ҳимоя этилаётгани ва аёллар фаоллиги ўсиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон аёллари давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг оиладаги мавқеи мустаҳкамланаяпти. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат хотин-қизларимизга чинакам бахтли яшаш учун, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратаётир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Алимова Д. Современное состояние женского вопроса в Узбекистане и задачи обществоведов / Социально-экономические проблемы Узбекистана в условиях перестройки. - Ташкент: Фан, 1990. - С.99-104; Ўша муаллиф. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии: Дисс. □докт. истор. наук. - Тошкент. 1991. - 285 с.; Ўша муаллиф. Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы. - Ташкент: Фан, 1991. - 132с.; Ўша муаллиф. Мы не должны быть обществом, пропитанным идеей превосходства мужчин // Ташкентская правда. 1997. 26 март; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. - Тошкент: Фан, 1999. - 77 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва вазифалари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларини роли ва гендер муаммолари. - Тошкент: Фан, 1999. - Б. 16-20; Ўша муаллиф. Ўзбекистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. - Тошкент: Фан, 2005. - 119 б.; Ўша муаллиф. Миллий тафаккур ва аёллар масаласи: ўтмиш тимсоллари // Ўзбекистон хотин-қизлари кеча ва бугун. - Тошкент, 2005. - Б.5-9.; Ўша муаллиф. Марказий Осиё тарихшунослигида гендер тузилмаси мавжудми (мустамлака, совет ва ҳозирги замон) // Ўзбекистон тарихи. - Тошкент, 2008. №2. - Б.59-69. (Alimova D. Sovremennoye sostoyaniye zhenskogo voprosa v Uzbekistane i zadachi obshchestvovedov / Sotsial'no-ekonomicheskiye problemy Uzbekistana v usloviyakh perestroyki. - Tashkent: Fan, 1990. - S.99-104; Zhenskiy vopros v sovetskoy istoriografii Sredney Azii: Diss. □dokt. istor. nauk. - Toshkent. 1991. - 285 s.; Zhenskiy vopros v Sredney Azii: istoriya izucheniya i sovremennyye problemy. - Tashkent: Fan, 1991. - 132s; My ne dolzhny byt' obshchestvom, propitannym ideyey prevoskhodstva muzhchin // Tashkentskaya pravda. 1997. 26 mart; . The role of women and gender issues in building the family, state and society in Uzbekistan. - Tashkent: Fan, 1999. - 77 p; The study and tasks of women in the social sciences of Uzbekistan // The role of women and gender issues in the construction of the family, state and society in Uzbekistan. -

Tashkent: Fan, 1999. - В. 16-20; Women of Uzbekistan: yesterday and today. - Tashkent: Fan, 2005. - 119 p.; National thinking and women's issues: symbols of the past // Women of Uzbekistan yesterday and today. - Tashkent, 2005. - P.5-9.; Is there a gender structure in Central Asian historiography (colonial, Soviet and modern) // History of Uzbekistan. - Tashkent, 2008. №2. - P.59-69)

2. Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. -Тошкент: Ижод дунёси. 2004. (Abdullaeva Ya.A. Women of Karakalpakstan: Yesterday and Today. The end of the XIX century and the XX century. - Tashkent: The world of creativity. 2004.)

3. Жўраева Н. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Тарих фан. номзод. ... дисс. автореф. - Тошкент, 2004. - 30 с.; Джурова Н. Ўзбекистон тарихида хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеи. Ўқув қўлланма. - Тошкент: Nodirabegim, 2020. -228 б.; Djuraeva N.D. Study of issues of attitude to the place and role of women of Uzbekistan in society (on the example of the XX century). Journal of look to the past. ISSN 2181-9599 Doi Journal 10.26739/2181-9599.9 (2019). -P. 11-32.; Djuraeva N.D. Social status of women in the history of Uzbekistan.//Journal of look to the past. ISSN 2181-9599 DoiJournal 10.26739/2181-9599. 1 (2019). -P. 22-32.; Djuraeva N.D. Examination of issues of attitude to the place and role of women of Uzbekistan in society in the XX century/ International Journal of Recent Technology and Engineering, 2019/8(2 Special Issue 11), 3764-3768. <https://doi.org/10.35940/ijrte.V14I8.0982S1119>

4. Собирова Д. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40-80 йиллари) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент: 2009. (Sobirova D. Dissertation for the degree of Candidate of Historical Sciences in the policy of the Soviet totalitarian regime in Uzbekistan on women's issues and its consequences (40-80 years of the XX century). -Tashkent: 2009.)

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, 7 март 2020 йил <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeev-ning-khal-07-03-2020>

6. 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони// lex.uz

7. <https://www.wcu.uz/uz/news/buhorolik-hotin-izlarning-muammolarini-rganish-va-echishda-jana-bir-muim-jangilik>

8. Навоий вилояти хотин-қизлар қўмитасининг жорий архиви 2012 йил маълумотлари (Data of the current archive of the Women's Committee of Navoi region for 2012).

9. Астонов С. Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси. // Ҳуқуқ. 2012 йил 16 декабрь (Astonov S. Protection of women's rights. // Law. December 16, 2012).

10. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим Фармон имзоланганига бир йил тўлди//<https://wcu.uz/uz/news/hotin-izlarni-llab-uvvatlash-borasidagi-muim-farmon-imzolanganiga-bir-jil-tldi>



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№4 (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000